

## **Кўчма хизмат кўрсатиш воситалари, уларга бўлган талабани аниқлаш. Техник хизмат кўрсатишда бажарилган ишлар таннархи**

Хозирги кунда мелиорация ва қурилиш машиналарига дала шароитида хизмат кўрсатадиган, сув хўжалик эҳтиёжлари учун турли ишларга мўлжалланган кўчма агрегатлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шулардан замонавий, ҳар томонлама талабларга жавоб берадиган кўчма воситаларга қуйидагилар киради:

- Кўчма авто таъмир устахоналар "ПАРМ" МП - 4320-41 Урал 4320-1112-41, МП - 5557-40 Урал 5557-1112-40, МП - 4320-40 Урал 4320-1912-40;
- Кўтарма қурилмали кўчма «МП С КМУ УРАЛ 4320-1112-41» устахона;
- Таъмир-пайвандловчи АРС - 4320-41 Урал 4320-1112-41, АРС - 5557-40 Урал 5557-1112-40, АРС - 4320-40 Урал 4320-1912-40 агрегатлар
- Нефть маҳсулотлари билан таъминловчи АЦН - 12 Урал 4320-1912-40, АЦН - 10 Урал 4320-1912-40, АЦН - 9 Урал 5557-1112-40, АЦН - 7,5 Урал 5557-1112-40, АЦН - 6,5 Урал 4320-1112-41, АТЗ - 12 Урал 4320-1912-40  
АТЗ - 10 Урал 4320-1912-40, АТЗ - 9 Урал 5557-1112-40, АТЗ - 7,5 Урал 5557-1112-40, АТЗ - 6,5 Урал 4320-1112-41, Вакуум автоцистернали «МВ - 10 Урал 4320-1912-40 агрегатлар;
- Кўтариш қурилмали МП с КМУ - 43118 Камаз 43118-10, МП с КМУ - 43118 Камаз 43118-15 кўчма устахоналар

Жойларда хозиргача фойдаланиб келтинаятган кўчма воситаларга қуйидагилар киради:

- автомобиль типдаги МЗ-3904 агрегати ва машиналарни далада ёнилғи ҳамда бошқа нефть маҳсулотлари билан ёнилғи қуйиш учун МЗ-3905Т тиркалма агрегати;
- техник хизмат кўрсатиш учун АТО-АМ, АТО-4822-ГОСНИТИ, АТО-9935, АТО-9966А-ГОСНИТИ, ПТО-4334, МТО-80 (автомобиль типдаги), АТО-1500Г машина тиркамасида ва АТО-1768А-ГОСНИТИ (Т-16М ўзи юрар шассида);
- машиналарни қисмларга ажратмасдан уларнинг техник ҳолатини аниқлаш учун КИ-4270А кўчма ташхис қўйиш қурилмаси (автомобиль шассисида);
- машиналарни ишлатиш жараёнида содир бўладиган нуқсонларни бартараф этиш учун ГОСНИТИ-2, МПР-3901, ПРМ-4334-01, ПРМ-5820, ПАРМ-4909, ПАРМ-4784 автокўчма таъмир устахоналари (ГАЗ, ЗИЛ, Урал ва КамАЗ юк автомобиллари шассисида).

Кўчма ТХК воситалари ва устахоналарнинг ҳисобий сони қуйидаги формула билан аниқланади

$$n_{ai} = \frac{T_{ai} \cdot \beta}{\Phi_{ai} \cdot \delta \cdot K_o}$$

бунда:  $n_{ai}$  -  $i$ -чи кварталдаги кўчма ТХК воситалари ва устахоналарнинг ҳисобий сони;

$T_{ai}$  -  $i$ -чи кварталдаги кўчма ТХК воситалари ва устахоналар билан бажариладиган ишлар ҳажми, одам-с.

$\beta$  - кўчма ТХК воситалари ва устахоналарга доимий бириктирилган ишчиларнинг меҳнат сарфи улуши ( $\beta = 0,65 \dots 0,7$ );

$\delta$  – доимий бириктирилган ишчиларнинг ТХК воситалари ва устахоналарни кўчириш ва қўшимча ишларини инобатга олувчи коэффициент ( $\delta = 0,5 \dots 0,7$ );

$K_o$  - кўчма ТХК воситалари ва устахоналарнинг талаблар йўқлигидан бекор туриб қолиш эҳтимолини инобатга олувчи коэффициент ( $K_o = 0,7 \dots 0,85$ );

$\Phi_{ai}$  -  $i$ -чи кварталдаги кўчма ТХК воситалари ва устахоналарнинг вақт фонди, соат;

$$\Phi_{ai} = \Phi_{pi} \cdot P_n \cdot K_{cmi}$$

бунда:  $\Phi_{pi}$  -  $i$ -чи кварталдаги ишчининг меъёрий иш фонди, соат;

$P_n$  - ТХК воситалари ва устахоналарга доимий бириктирилган ишчилар сони ( $P_n = 2 \dots 3$ ), киши;

$K_{cmi}$  -  $i$ -чи кварталдаги кўчма ТХК воситалари ва устахоналар ишининг сменалилик коэффиценти.

Кўчма ТХК воситалари ва устахоналарнинг юкланиш фоизи қуйидагича аниқланади

$$\eta = \frac{n_a^p}{n_a} \cdot 100$$

где:  $n_a^p$  - кўчма ТХК воситалари ва устахоналарнинг ҳисобий сони, дона;

$n_a$  - кўчма ТХК воситалари ва устахоналарнинг қабул қилинадиган сони, дона.

Кўчма ТХК воситалари ва устахоналар ишининг сменалилик коэффиценти қиймати шундай танланадики, бунда уларнинг юкланиши 75...110 % оралиғида бўлиши лозим.

Кўчма Т.Х.К. агрегатлари ва устахоналари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг таннархи ( $C_{ц}$ ) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{ц} = C_u + C_{эк} + C_{рм} + C_{кооп} + C_{уш} \text{ сўм}$$

бу ерда  $C_u$  - ишчиларнинг тўла иш ҳақи, сўм;  $C_{эк}$  ва  $C_{рм}$  - эҳтиёт қисмлар ва сарфланаётган ашёларининг сарфи, сўм;  $C_{кооп}$  – сотиб олиб келинадиган маҳсулотлар баҳоси, сўм;  $C_{уш}$  - умум ишлаб чиқариш харажатлари баҳоси, сўм.

Ишчиларнинг тўла ойлик иш ҳақи асосий –  $C_{ua}$ , қўшимча –  $C_{кўш}$  ва ижтимоий суғуртага ажратилган маблағ –  $C_{uc}$  лардан ташкил топади.

Асосий иш ҳақи:

$$C_{иа} = T \cdot C_c \cdot K_T \text{ сўм}$$

бунда  $T$  - хизмат кўрсатиш иш ҳажми, киши-соат;

$C_c$  - ишчининг бир соатлик тариф ставкаси, сўм/соат;

$K_m$  - қўшимчаларни ҳисобга олувчи коэффицент, ( $K_T=1.025 \dots 1.030$ ).

Қўшимча иш ҳақи:

$$C_{\text{кўш}} = (0,07 \dots 0,1) C_{\text{иа}}, \text{ сўм}$$

Ижтимоий суғурталар учун ажратмалар:

$$C_{\text{ис}} = 0,44(C_{\text{иа}} + C_{\text{кўш}}), \text{ сўм}$$

Эҳтиёт қисмларга кетган харажатлар

$$C_{\text{ЭК}} = C_{\text{и}} \cdot \frac{P_{\text{ЭК}}}{100} \text{ сўм}$$

бунда  $P_{\text{ЭК}}$  - эҳтиёт қисмларга кетган харажатларнинг ишлаб чиқаришдаги ишчилар тўла ойлигига бўлган нисбати.

Сарфланаётган ашёларга кетадиган харажатлар ишлаб чиқаришдаги ишчилар тўла ойлигининг 100 - 200 фоизини ташкил қилади.

$$C_{\text{PM}} = C_{\text{и}} \cdot \frac{P_{\text{PM}}}{100} \text{ сўм}$$

бунда  $P_{\text{PM}}$  - таъмирланадиган материалларга кетадиган харажатларнинг ишлаб чиқаришдаги ишчилар тўла ойлигига бўлган нисбати.

Умум ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагига тенг бўлади

$$C_{\text{ВИХ}} = \frac{(0,1 \dots 0,13 \cdot C_{\text{УМ}})}{N} \text{ сўм}$$

бу ерда  $C_{\text{УМ}}$  - ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий йиллик иш ҳақи, сўм

$$C_{\text{УМ}} = T_{\text{УМ}} \cdot C_{\text{с}} \cdot K_{\text{Т}} \text{ сўм}$$

бунда  $T_{\text{УМ}}$  - корхонада бажариладиган йиллик иш ҳажми, киши-соат

Кўрсатилаётган техник хизматнинг тўла таннархига корхонада маҳсулотни тайёрлаш, сотиш ва бошқа жараенлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар киради ва тўла таннарх қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{\text{Т}} = C_{\text{ц}} + C_{\text{уХ}} + C_{\text{иич}} \text{ , сўм}$$

бунда  $C_{\text{ц}}$  - таъмирланган маҳсулотнинг цех бўйича тўла таннархи, сўм

$C_{yx}$   $C_{иич}$  - тегишли ҳолда умумий хўжалик ва ички ишлаб чиқариш харажатлари, сўм

$$C_{yx} = 0,13 C_{иа}$$

$$C_{иич} = 0,01 (C_{ц} + C_{yx})$$